

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 19-oktabr, shanba № 80 (15718)

## Фахруифтихоримиз

Navqiron avlod so'zi

Она тилимизнинг она Ватан тушунчаси билан ҳамоҳанглигида катта ҳикмат бор. Ўзбек тилини чуқур ўзлаштирган юртимиз фарзандлари дунёнинг бошқа тилларини ҳам бемалол ўрганиб, ўзларининг юксак билим ва салоҳият эгалари эканликларини намоён этмоқдалар. Шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан ўзбек тилини ўрганиш ниятида келаётганлар ҳам кўп, муҳими улар халқимизнинг маданияти, тарихи, қадриятлари билан ҳам ошно бўлмоқда. Тил билиш орқали эллар, элатлар, миллатлар дўстлашмоқда. Бугунги тенгдошларим, қайси соҳада бўлмасин, бир нечта хорижий тилни ўрганиб, бемалол дўстлар орттириб, сўзлашаётганининг гувоҳиман.

Ўзим инглиз, корейс, рус тилларини пухта ўрганганман. Бу тилларни чуқур ўрганиш жараёнида билдимки, энг аввало, она тилини пухта билган кишига олган билимлари асқотаркан. Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 37-ихтисослашган мактаб-интернатда ўқиб юрган кезларим она тили устозимиз Мунаввар опа бизга чиройли талаффуз қилишни, донда гапиришни ўргатган эди. Она тили ва адабиётга бўлган меҳрим ҳеч сусаймади. Ҳозир ҳам шеър ёзаман, корейс ва инглиз тилларидан таржималар қиламан. Маромига етказиб сўзлаш ҳам тинимсиз машқ қилишни талаб этади. Она тилимиз софлигини сақлаган ҳолда хорижий тилларни пухта ўрганаётганим жуда яхши бўлди. Эътибор қилган бўлсангиз, филологлар, энг аввало, талаффузлари софлиги билан ажралиб туради. Бундай талаб биз, бўлғуси дипломатлар учун ҳам жуда зарур.

Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасини танлаган киши хорижий тилларсиз бирор натижага эришиши мушкул. Тилларни ўрганишга иштиёқ аниқ мақсад сари интилишимга туртки бўлди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейда таълим олган кезларим корейс тилига қизиқиб қолдим. Институтга ҳужжат топшираётганимда ҳеч иккиланмай, охириги танловимда қатъий қолдим. Энг қизиғи, хорижий тилларни ўрганиш орқали ўзимнинг ҳам тил бойлигим ортиб бораётганини сезяпман. Демак, тиллар бир-бирини тўлдириши, бойитиши мумкин экан.

Институтнинг иккинчи курсида ўқиётган кезларим Жанубий Кореянинг Осан шаҳридаги Ханшин университетида ўқиш учун талабалар ўртасида танлов ўтказилди. Менинг корейс тили устозим Пак Санг Ондан олган билимларим зое кетмади, грант соҳиби бўлдим. Бир йил давомида корейс тилини пухта ўргандим.

Бундан ташқари, 2011 йилда яна бир танловда қатнашиб, иккинчи грантни ютиб олдим. Халқаро иқтисодий муносабатлар йўналишида магистратура босқичидаги таҳсилни Сеулдаги Сан Гюнг Ханг университетида олиш имкониятини қўлга киритдим. Бу ютуқлар биз, ўзбек ёшлари учун халқлар ўртасидаги дўстликни, ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида яратилган энг катта имкониятдир. Келгусида дипломат бўлиб, Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларининг янада мустаҳкамланиб боришига, юртимизнинг равнақиға ҳисса қўшиш ниятидаман.

**Васлиддин ҚОДИРОВ,**  
Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси



Сардор Муллажонов фотокolleлажи

Til — bebaho qadriyat

## Она тилим, улуғимсан!..

**Ҳар биримиз она тилимизни яхши кўраимиз, ардоқлаймиз ва асраб-авайлаймиз. Она тилига бўлган туйғуларни шеър, кўшиқ, куйга кўчирсак-чи, унинг завқи бошқача бўлади. Бу ифода, айниқса, ёшлар овозида янграганда янада сеҳрли, янада жарангдор тараннум этилади.**

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган санани байрамона нишонлаш мақсадида Юнусобод тумани ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази, маданият ва спорт ишлари, Қизил ярим ой жамияти туман бўлимлари, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, туризм коллежи ҳамкорлигида ижодкор ёшларнинг «Она тили — миллат руҳи» мавзуидаги

шеърят кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Тадбирга болаларнинг севимли шоир ва ёзувчилари ташриф буюрди.

Шеърятга ихлосманд иштирокчилар танловда ижод намуналаридан ўқишди. Қатнашчиларнинг она тилига бўлган меҳру муҳаббатлари ижод намуналарида намоён бўлиб турганлигини эътироф этган ҳайъат аъзолари уларни қуйидагича баҳолашди:

номинация бўйича — «Энг ёш ижодкор» Мухлиса Алимова, «Энг долзарб мавзу» номинациясида Шаҳноза Иброҳимова, «Сеҳрли сўз соҳиби» Йўлчи Рўзиев, «Бунёдкор ғоя соҳиби» Дониёр Орифжонов, «Жозибали нутқ соҳиби» Фарангиз Султонова, «Назм гулшани» йўналишида Жобир Жўраев, «Мафтункор овоз соҳиби» Шаҳзода Абдураимова, «Энг таъсирли шеър соҳиби» Муслима Кудратова, «Тасвирий воситаларга бойлиги» номинациясида Ботир Зикиров ғолиб топилди. Биринчи ўринни Шавкат Бобомуродов, иккинчи ўринни Иқболбону Отаева, учинчи ўринни Фотима Абдулазизова қўлга киритди.

— Бу танловда ҳар йили қатнашаман. Бу йил «Энг долзарб мавзу» номинациясида ғолиб бўлдим, — дейди Тошкент туризм коллежининг 2-курс ўқувчиси Шаҳноза Иброҳимова. — Болалигимда она тилимда янграган алла мен учун қанчалар қадрли бўлса, бугун ўз она тилимда ёзган шеърларим онам учун шунчалар завқли. Кейинги танловларда ҳам иштирок этиш ниятидаман.

Тадбирда сўз олганлар она тилимизни саналардагина эмас, йил бўйи, умр бўйи ардоқлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлашди.

**Майсара НАЗАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири



## Hududlardan mujdalar

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

**Булунғур туманидаги бир гуруҳ «Камолот» фаоллари «Хашар — ёшларга ярашар!» шиори остида ободонлаштириш ишларини олиб борди.**

Улар тумандаги «Самарқанд», «Хотира», «Улғубек», «Саболок», «Оққовун», «Фиштли бобо», «Хасан-Хусан», «Катта қишлоқ», «Тегирмон», «Ўроқли», «Капали мўғол», «Кўнғирот», «Работ», «Кўчқорота», «Оломон», «Катта Жонхўроз», «Қоровултепа», «Янги беш» каби қабристонларни ҳамда Фозил Йўлдош ёдгорлик мажмуасини ободонлаштириб, худуддаги дарахтларга ишлов беришди. Шунингдек, тумандаги ёлғиз кексалар ва боқувчисини йўқотган оилаларда бўлиб, совғалар улашди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Гулистон туманидаги иқтисодий касбунарсануар коллежида ёшлар орасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва турли йўллар билан юқадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича мини-сессия ташкил этилди.**

«Камолот» ЁИХ Сирдарё вилояти кенгаши қошидаги ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва турли йўллар билан юқадиган касалликларга қарши кураш лойиҳаси бўйича ўтказилган ушбу семинарда ўқувчи-ёшларга мавзу юзасидан маълумот берилди. Ўқувчилар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

**Вилоят ёшлар марказида «Тил бор экан, миллат барҳаёт» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.**

Харакатнинг вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими аъзолари, Бухоро давлат университети ўқитувчилари ҳамда мактабларнинг она тили ва адабиёт ўқитувчилари иштирок этди. Тадбирда ўзбек тилининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз борди.

\*\*\*

**Бухоро шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Янги авлод — 2013» болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**

Танловда икки юз эллик етти нафар ёш иқтидор эгаси олти-та йўналиш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Энг яхши деб топилган 52 нафар иқтидор эгаси танловнинг вилоят босқичида қатнашадиган бўлди.

## Паралимпия ривожу йўлида

E'tibor

**2016 йил Бразилияда XXXI ёзги олимпия ва XV паралимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз терма жамоаси ҳам иштирок этади.**

«Пойтахт» бизнес марказида Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси томонидан ушбу ўйинларга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбек жанг санъати федерацияси вакиллари, мураббийлар ва спортчилар иштирок этди.

Анжуманда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳисоботи тингланди. Ассоциация томонидан ташкил этилган параканоз, милтиқдан ўқ отиш ва қиличбозлик терма жамоалари таништирилди. Сўнгра Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси ҳамда Ўзбек жанг санъати федерацияси ўртасида ҳамкорликка оид меморандум имзоланди.

— Мазкур меморандум аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ўртасида паралимпия ҳаракатларини янада ривожлантиришда жуда муҳимдир, — дейди ассоциация бош котиби О.Фафуров. — Бундаги асосий мақсадимиз эса ўзбек жанг санъати билан шугулланаётган ёшларни спорт турларига кенгроқ жалб этиш ва уларнинг халқаро миқёсдаги иштирокини таъминлашдан иборат.

Матбуот анжумани якунида иштирокчилар паралимпия ўйинлари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,  
«Turkiston» мухбири**



## Юртимизда бизнес фаоллик кўрсаткичлари юксалмоқда

**Ўтказилган сўров натижаларига кўра, 2013 йилнинг III чораги бўйича «Ўзбекистонда бизнес фаоллик кўрсаткичлари» ўтган чоракдагига нисбатан 4 бандга юксалган.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ушбу мавзуга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Республика Иқтисодий тадқиқотлар маркази ҳамда БМТТДнинг «Ўзбекистон бизнес форуми» лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимиздаги етакчи ОАВ вакиллари, Савдо-саноат палатаси мутахассислари, ИТМ ва БМТТД экспертлари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланишича, 2013 йил учинчи чорагида республикада бизнес фаоллик индекси (БФИ) 2,5 йил мобайнида энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди. Яъни бу кўрсаткич учинчи чорақда

32,8 ни кўрсатди. Тадқиқотчилар маълумотига кўра, бу натижа Ўзбекистонда БФИ ўтган чорақдагига қараганда 4 пункт, 2012 йилнинг шу давридагига қараганда 4,6 пунктга юқори бўлганини билдиради. Сўров натижаларига кўра, Ўзбекистонда бизнес қулай муҳит индекси 30,7 ни кўрсатди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда бизнес фаоллик индексининг ўсиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талабнинг ортиши билан боғлиқ. Шунингдек, экспертлар ҳулосасига кўра, тадқиқотда иштирок этган корхоналарнинг 362 тасида иш ҳақининг ошганлиги ҳам бизнес фаоллик кўрсаткичлари кўтарилганидан дарак беради. Бизнес фаоллик-

нинг ошиши бизнес муҳит кўрсаткичларининг юксалиши билан боғлиқ. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 3 чорақда 30,7 ни кўрсатди. Дарҳақиқат, сўровда қатнашган 589 кичик корхона ўз фаолиятини ривожлантириш учун бугунги кунда мамлакатимизда яратилган бизнес муҳитни қулай, деб баҳолади.

Худудлар бўйича таҳлил қилинганда, бизнес фаоллик кўрсаткичи барча вилоятларда нолдан юқори бўлганлиги эътиборга лойиқдир. Энг фаол корхоналар сифатида Жиззах (59,2), Фарғона (49,4) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (49,8) корхоналари қайд этилди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, асосий фаолликни транспорт ва алоқа тизими (40,2) корхоналари намоён этмоқда.

Ўзбекистонда бизнес фаоллик индекси масъул ташкилотлар томонидан

2009 йилдан буён ҳар чорақда белгилаб борилади. Бу ҳулосалар мамлакатдаги 700 нафар корхона ва ташкилот (ҳар бир вилоятдан 50 та) вакилини сўроғга жалб қилиш асосида аниқланади. Бу сўровда 6 та, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари иштирок этади. Агар кўрсаткич нолдан юқори бўлса, бу — бизнес фаоллик индекси ўтган чорақдагига нисбатан маълум пунктга юксалганини билдиради. Агар у нолдан паст бўлса, БФИ қониқарсиз ҳисобланади. Бизнес фаолликнинг учинчи чорақ кўрсаткичлари ҳақида шунингдек, <http://www.cer.uz> сайтдан маълумот олиш мумкин.

**Манзура БЕКЧОНОВА,  
«Turkiston-пресс»**

## Қувноқ ёшлигим



**СУРАТДА:** Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолаҳзаси



# Иштиёқ билан ўрганишмоқда

Бундан етти йил аввал қизилтепалик ёшлар орасида бир хушxabар тарқалди. Эмишки, туманда тикувчиликни ўргатадиган «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази ташкил этилибди. Дастлаб битта — тикувчилик тўгараги билан иш бошлаган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қизилтепа тумани кенгаши қошидаги ушбу марказда учта тикув машинаси бор эди, холос. Бугун мазкур марказда тикувчилик, пазандалик, рассомлик тўгараклари ва «компьютер саводхонлиги» курси ҳамда «Бугуннинг ёшлари» ташаббускор ёшлар клуби фаолият юритмоқда.

2012 йил марказ учун ютуқлар йили бўлди. Марказ «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» танловининг республика босқичида 1-ўринни эгаллади. Натижада марказнинг моддий-техника базасини янгилаш учун ўн икки миллион сўмлик грант маблағи ажратилди.

— Ушбу маблағлар ҳисобидан ЁИХМ тўгараклари учун замонавий «Жаноме-350Е» русумли компьютер тикув машинаси, битта «Ямата FE 811А», учта «Ямата FE 780А» электрон тикув машинаси, дазмол ва дазмол столи, олти компьютер столи, рассомлик тўгараги учун бешта мольберт, ўн битта стол, 16 та стул ва бошқа зарур жиҳозлар харид қилинди, — дейди «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази координатори Рифат Ортиқов. — Қизилтепа тумани ҳокимлиги ёрдамида саккиз хонали замонавий бинога кўчдик. Шунингдек, ҳомийлик ҳисобидан «компьютер саводхонлиги» курси бешта компьютер жамланмаси билан жиҳозланди.

Айни кунда марказда уч нафар ходим тикувчилик, пазандалик, рассомлик тўгараклари ва «компьютер саводхонлиги» курси ҳамда «Бугуннинг ёшлари» ташаббускор ёшлар клубини бошқариб келяпти. Тўгарақ машғулотида ёшларга тўқувчилик, аппликация, каштачилик, элита пардалар, миллий қуроқчилик, пазандалик, компьютерда ишлаш, расм чизиш, дизайнерлик санъати, сунъий гуллар ясаш, юмшоқ ўйинчоқлар тикиш ва бошқа хунарлар ўргатиляпти.

— Марказда нафақат тикиш-бичишни ўрганимиз, шунингдек, ҳуқуқий, интеллектуал билимларимизни ошириб, кўплаб дўстлар орттирамиз, — дейди тикувчилик тўгараги аъзоси Сарвиноз Бозорова.

— Уч ойдан буён рассомлик тўгарагига қатнашпман. Ўтган вақт давомида Ҳаракатнинг туман кенгаши томонидан ўтказилган бир қанча кўргазма ва танловларда чизган суратларим билан қатнашдим. Тумандаги «Тошмачит» тарихий мажмуасида ўтказилган «Мустақиллик менинг тасаввуримда» номли ёш мусаввирлар танловида иккинчи

ўринни кўлга киритдим. Бундан ота-онам жуда хурсанд бўлди. Менга расм чизишни ўргатган устозим Ирода Бўтаевадан миннатдорман, — дейди тўгарақ аъзоси Баҳодир Ҳақимов.

Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда бундай марказларнинг ўз ўрни бор, албатта.

**Озода Сиддиқова, тadbиркор:**

— Иш билан банд бўлганим учун фарзандларимга кўп нарсаларни ўргатишга улгурмайман. Бунда ушбу марказ яқин ёрдамчимга айланяпти. Ҳозир ўғлим Оғабек ушбу марказда «компьютер саводхонлиги» курсида билим олиш билан бирга, бўш вақтини мазмунли ўтказяпти. Янги дўстлар орттириб, «Камолот» томонидан ўтказилаётган турли танлов ва фестивалларда қатнашяпти. Интилувчанлиги туфайли туман сардорлар кенгаши аъзолигига қабул қилинди. Бундан хурсандман.

**Норбиш Жалолова, Қизилтепа туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Бугун «Ёшлар ижтимоий

хизматлари» маркази маҳалламиз ёшларининг севимли масканига айланди. Бу ерда ёшлар касб-хунар сирларини ўрганиш билан бирга, турли танлов, мусобақа ва фестивалларда иштирок этмоқда. Марказ координатори Рифат Ортиқов бошчилигида «Юртимизни обод этайлик» ҳамда «Меҳр сиз билан ёнма-ён» лойиҳалари доирасида тозалик-ободончилик тadbирлари ўтказилиб, қария ва ногиронларнинг уй ишларига кўмак бериб келиняпти. Бундан нафақат маҳалла ходимлари, ҳудудимиздаги барча фаоллар миннатдор.

Яқинда туман ҳокими ва ёшлар учрашуви айнан ушбу марказда ташкил этилгани ЁИХМ томонидан олиб борилатирди. Учрашувга тақлиф этилган туман ҳокими Шабон Набиев ва тумандаги барча ташкилот, корхона ва муассасалар вакиллари бу ерда яратилган шароит ва имкониятлар билан танишиб, ушбу марказ ёшларнинг чинакам севимли масканига айланганини таъкидлашди.

**Рустам ЮСУПОВ, «Turkiston» муҳбири**

Shunday markaz bor!



## Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

**Ҳаракатнинг Нукус шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Юртимни обод этаман!» лойиҳаси доирасида шаҳардаги «Шорша бобо» қабристонни атрофи ободонлаштирилди.**

«Аждодлар руҳини шод этайлик!» шиори остида ташкил қилинган хайрли ишда Ҳаракат фаоллари иштирок этди. Тадбир давомида ёшлар ўртасида истиқлол йилларида қайта тикланган миллий байрамларимиз ҳақида тарғибот ишлари олиб борилди.

Бундай тadbирлар Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудларида давом этмоқда.

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидаги бошланғич ташкилотиде «Камолот» радиосига бошловчилик учун танлов ўтказилди.**

Танловда талабалар матни ифодали ўқий ҳамда ижодий ишлар тақдимоти бўйича синовдан ўтди. Шунингдек, улар ўзбек, рус, инглиз тилларида белгиланган саволларга жавоб беришди. Мазкур танлов якунида ғолиблар аниқланди. Уларга диплом ва совғалар топширилди. Энди университет «Камолот» радиоси янги овозларда жаранг сочадиган бўлди.

**Зарафшон шаҳридаги Мурунтов кўрғонида жойлашган 5-мактабда маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирокида турли ёт иллатларга қарши курашишга бағишланган давра суҳбат ташкил этилди.**

Тadbирда қатнашган масъул ташкилотлар вакиллари диний экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши курашиш, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мавзуларида сўз юритиб, иштирокчиларга зарур маълумотлар беришди.

**Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилояти бўлимида «Ёшлар чекишга қарши!» лойиҳаси юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди.**

Унда тadbир иштирокчилари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мазкур лойиҳаси билан таништирилди. Лойиҳа жорий йилнинг октябрь-декабрь ойларида ёшлар ўртасида тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боровчи кўнгилли ёшлар ва тренерлар учун мўлжалланган махсус ўқув дастури асосида ўтказилади.

# Мафтунанинг мафтункор расмлари

Тенгдошимиз Мафтуна Дониёрова болалигидан камгап, камтарин қиз. Бироқ тасвирий санъат ҳақида гап кетса, унинг гурунгини эшитган киши, албатта, ичида: «Бу қиз мусаввирликни бунча яхши кўрмаса!» дейди.

— Мафтуна болалигидан расм чизишга, либослар чизмасини қоғозга туширишга қизиқади. Сўнг чизмалари асосида кўғирчоқларига бежирим либослар тикканида ҳам отаси иккимиз бунга болаликка хос қизиқиш, ўткинчи ҳавас, деб билганмиз, — дейди тенгдошимизнинг онаси Ноила Қурбонова. — Бунга қарангки, қизимиз 5-синфда ўқиётганида бир куни синф раҳбари келиб, биз билан Мафтуна ҳақида жиддий гаплашмоқчилигини айтди. «Қизингиз яхши расм чизади, хабарларингиз борми бундан?» деб сўради. «Ҳа», дедик. «Ундай бўлса, нега шу иқтидорини ривожлантиришига кўмаклашмаясизлар?» деди ўқитувчиси. Шу гап яхши танбех бўлиб, қизимизга ижод қилиши учун кўмаклашдик. Тажрибали устозга шогирдликка бердик. Мана, ҳозир Мафтуна ажойиб расмлар чизиб, танловларда ғолиб бўляпти. Юртимизда ижодкор ёшлар учун барча шароитлар муҳайё. Қизимиз бундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилапти. Тенгдошимизнинг тафаккури кенг,

тасаввур бой. Бунга у чизган турли жанрдаги «Куз манзаралари», «Ёз ёмири», «Она нигоҳи», «Зарабоғ тоғлари», «Ҳақим Термизий меъморилик обидаси» каби расмларни томоша қилиб, илғаш мумкин. Мафтуна ижодий изланишлари билан қатор танловларда ғолиб бўлган. Ўтган йили «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичида дизайн йўналишида 2-ўринни эгаллаган бўлса, «Конституция — бахтимиз пойдевори» танловида расм йўналиши бўйича ғолиб бўлди. Бу йил «Октябрь ойи она тили фан ойлиги» тadbирини Мафтуна чизган янги расмлар мактаб кўргазмасини бойитди. Унинг суратлари орасида пейзаж, натюрморт, портрет, миниатюра жанрига оид шундай чиройли суратлар борки, ҳар бири олдида бир муддат тўхтамасдан ўтолмайсиз.

— Ижод қиламан, ҳайратомуз расмлар чизиб, барчани ҳайратда қолдираман, деган ҳар бир тенгдошимиз учун юртимизда барча имкониятлар мавжуд, — дейди Мафтуна. — Ҳар йили кўплаб ёш

мусаввирлар учун турли кўрик-танловлар, кўргазмалар ташкил этилади. Иқтидорли ёшлар муносиб рағбатлантирилади. Таниқли мўйқалам соҳиблари иштирокида маҳорат дарслари ўтилади. Бу имкониятлар биз, ёшларни янги муваффақиятларга, ютуқларга чорлайди.

Айтганча, тенгдошимиз дизайн борасида ҳам яхшигина маҳоратга эга. У тикан турли либослар жилваси кишини бефарқ қолдирмайди. Чунки уларда табиат уйғунлиги, миллийликка хос жозибамужассам.

Мафтуна Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида яшайди. Шаҳардаги 11-мактабнинг 9-синфида аъло баҳоларга ўқийди. Агар мактабда бирор кўрик-танлов ёки тadbир ўтказилгудек бўлса, биринчи масъулият Мафтунанинг зиммасига юкланади. Чунки деворий газета, расмлар буклети, либослар дизайни фақат у билан битади. Қолаверса, саҳна кўринишлари ва декорацияларни ҳам назардан четда қолдирмайди.

Тенгдошимизнинг мақсадлари кўп. Миллий матоларимиздан тикилган ажойиб либосларим ва яхши расмларим билан юртимизни жаҳонга танитишга ҳаракат қиламан, дейди у.

**Жамила НЕЪМАТИЛЛАЕВА, Термиз давлат университети талабаси**

Sening tengdoshing



Хорижда бўлганлар яхши билади: туманот оломон орасида кимдир она тилингизда сўзласа, юрагингиз ҳаприқиб, тез-тез уради; оёқларингиз беихтиёр сизни ўша — она тилингизда гапирган киши олдига етаклайди.

## Бебаҳо хазинам, она тилимсан!

Бошқа юртда бир кунгина мусофир бўлсангиз ҳам она тилингиз жозибасидан, фасоҳатидан ёш бола ширинлик еб бўлгач, таъмини туйиш учун тамшаниб лаззатланганидек хузурланасиз. Она тилингизда янграётган сўзларни қайта-қайта эшитиб зерикмайсиз. Чунки сиз шу тилда айтилган сокин аллани, ширин эркашлару алқовларни эшитиб улгайгансиз. Шу тилда она, ота, нон, сув деган сўзларни айтиб, тилингиз чиққан. Мактабда она тилингизда ўқишни, ёзишни ўргангансиз. Бу тилингиз беназир оҳанги, фасоҳати сизнинг томирларингизда қонингизга қўшилиб, гупуриб оқади. Йўлда кетаётиб беҳосдан оёгингиз қайрилиб кетса, ўнча чет тилини аъло даражада билсангиз ҳам беихтиёр она тилингизда «воҳ» деб юборасиз. Чунки она тилингиз онангиз, бобомолларингиз тили; унинг ҳар бир ҳарфи шуурингизда ёғду таратади.

Ўтган кун телефонимга қизиқ SMS келибди. Мазмуни бундай: Эшмат Тошматнинг «Кўйдим, ёр» таронасини телефонингизга гудок ўрнига ўрнатинг. «Тарона» дегани куй бўлса керак-да, деб ўйласам, қўшиқ экан. Буни нодавлат радиотўлқинлардан бирининг бошловчиси ёшлар гуруҳининг «тарона»си янграшани эълон қилганидан сўнг билдим. Биратўла икки манбадан бир хил мазмунда ишлатилган сўзни билгач, киши ўзига ўзи ишонмай қоларкан. Излаб, «тарона» сўзининг маъносини «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» учинчи жилдидан топдим. Унда «тарона»га «куй, оҳанг» деб таъриф берилган. Ҳўш, мен-ку энди бу сўзнинг маъносини биламан, лекин тенгдошларимизнинг қанчаси «тарона» қўшиқ эмаслигини билади?!

Она тилимизнинг бойлиги ҳақида гапирганини яхши кўраман. Бироқ уни амалда кўрсатиш масаласида нечоғли ҳолимиз борлигини шахарларимизнинг марказий кўчаларини кезган тенгдошларимиз яхши билади. Мен кўп ўтадиган катта йўл ёқасида пештоқига «buffalo» (ёввойи қорамол, буйвол) деб ёзилган дўкон бор. Шунга ўхшаш кўлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларию емакхоналар, кийим-кечак дўконларининг чет тиллардаги номларини ўқиб, она тилимиздаги жозибали сўзлардан нега фойдаланмаймиз, деган фикр ҳаёлга келиши табиий.

Бундан бир неча йил аввал одам гавжум бўладиган емакхоналардан бири «Фон Кауфман» деб аталарди. Хайриятки, фон Кауфман кимлигини тарихда бу одамнинг халқимизга етказган талофатини биладиган маънавиятли инсонлар аралашиб, емакхона номи ўзгартирилди.

Она тилимизга ҳурматимизни намойиш қилиш учун, назаримизда, энг аввало, унинг қоидаларини бузмаслик, бошқа тиллардаги сўзлар билан қорширтмасдан, тоза лафзда сўзлашимиз, савод билан ўқиб-ёзишни билишимиз муҳим аҳамиятга эга. Бироқ интернетдан фаол фойдаланувчи айрим тенгдошларимиз жонли мулоқотда ҳам ижтимоий тармоқлар «тили»да гапирганини хуш кўришади. Ҳатто юртимиздаги шоу-бизнесга оид хабарлар тарқатувчи сайтлардан бирининг администратори ўз интервьюсида кўпчилик унинг сайтини тил қоидаларига риоя қилмасликда, она тилимизга бошқа тиллардаги сўзларни қорширтириб ёзишда айбсотишини айтarkan, муҳими, ўқувчига тушунарли бўлиши-ку, чет тиллардаги сўзлар аралашгани-йўқми, бунинг нима аҳамияти бор, дейди. Нега аҳамияти бўлмас экан, гап овул болаларининг гурунги эмас, аҳолисининг олтимш фондан зиёдини ёшлар ташкил этадиган мамлакатнинг давлат тили, унинг келажаги ва тараққиёти ҳақида-ку! Буни ўша администратор билармикан?!

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганининг йигирма тўрт йиллиги бўсағасиданмиз. Дунёда кўлаб халқлар, тиллар бор, бироқ уларнинг ҳаммаси давлат тили мақомига олгани йўқ. Чунки она тилининг бу рутбага кўтарилуши мамлакат мустақиллигининг ёрқин тимсолидир. Истиклол бебаҳо неъмат бўлганидек, халқнинг ўз она тилида эмин-эркин сўзлашиши, фикр юритиши, ўқиш-ёзиши, давлат ҳужжатларининг шу тилда юритилиши улкан бахт. Шу хазинани турли чет тиллардаги сўзлару дайди иборалар билан ғариблаштирмасак, она тилимиз мусофоллигини кўз қорачиғимиздек асраб-авайласак, халқимиз ҳам, авлодлар ҳам биздан рози бўлади!

Хайридин МУРОД,  
«Turkiston» мухбири

# 21 ОКТАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



## ОНА ТИЛИ БАЙРАМИ

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида 21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинган кун олдидан очик дарслар, учрашув, викторина ва танловлар ташкил этилмоқда. Наманган шаҳридаги 24-умумтаълим мактабидagina «Тил-маънавият кўзгуси» мавзусида ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар ўзбек тили ва адабиёти фанига оид билимини намойиш қилди.

СУРАТДА: Наманган шаҳридаги 24-умумтаълим мактабида.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

## Ҳам жозибали, ҳам жарангдор

Ма Сю Линг 1997-2007 йилларда Хитойдаги Шин Жан аграр университетиде талабаларга сабоқ берган. 2010 йилдан буён Самарқанд давлат чет тиллар институти таржумонлик факультетиде тенгдошларимизга хитой тилидан дарс бериб келмоқда. Куйида Ма Сю Лингнинг она тилимиз ҳақидаги фикрларини эътиборингизга ҳавола этаёмиз.

Ўзбек тилида мириқиб гурунглашётган талабаларимга роса ҳавас қилардим. Улар бошқача, чиройли гапирарди. Мен эса фақат «Ассалому алайкум»ни билардим. Гарчи ўшанда уларни тушунмасам ҳам, сўзларида қандайдир жозоба, самимийликни ҳис этардим. Бу чиройли ва бой тилни ўрганишни жуда хоҳлардим. Бу истак мени ўрганишга чорлади. Тинимсиз ўқидим, гапирдим, суҳбатлашдим. Бугун ўзбекчада бемалол гапирарман. Талабаларим билан дилдан суҳбатлашарман. Ҳатто газета ва журналларни ҳам қийнал-

масдан ўқияман. Китоб ўқишни яхши кўраман. Айниқса, ўзбек тилидаги китобларни. Яқинда «Ўзбек халқ эртақлари»ни ўқиб чиқдим. Эртақ дейишса, кўпчилик уни болалар учун деб ўйлайди. Йўқ, эртақлар катталарга ҳам кўп ҳаётий сабоқ беради. Мен ўзбек эртақларини ўқиб, шундай хулосага келдим. Улардаги қаҳрамонлар ҳар хил — бири кўроқ, бири ботир, бири ростгўй, бири ёлғончи, хуллас, турфа тоифадаги кишилар, жониворлар ҳам шундай. Лекин мени хайратга солгани, уларнинг ҳаммаси самимий. Эртақ охирида



ёмон қаҳрамонлар ўз ёмонликларини тан олади. Яхшилик олдида ожиз эканига иқдор бўлишади. Ўзбек тилида сўзласам, роҳатланарман. Янги сўз ўргансам, уни қайта-қайта айтгим келверади. Ўзбек тили жуда ҳам жозибали. Шундай гўзал тилни севмаслик, қадрламаслик мумкин эмас. Бу борада ўзбек ёшларига ишонарман. Улар ўзбек тилини оналаридек севиб ардоқлашади, оталаридек ҳурмат қилишади.

Тақвимга қарасам, мана, тил байрамига ҳам оз қолибди. Байрамни, албатта, талабаларим билан нишонлайман. Уларга ажойиб совға — ўзим ёзган ўзбекча «Жоним тилим» шеърини ўқиб бермоқчиман. Ўзбек тилида сўзлашувчи барча-барчани эса кутлуг сана билан табриклайман.

Ма СЮ ЛИНГ,  
Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси

## ТИЛ ҲАҚИДА НИМАЛАР БИЛАМИЗ?

(Қизиқарли маълумотлар)

### САРАЛАРНИНГ САРАСИ

Бугун дунёда ҳаммаси бўлиб тахминан 5600 дан зиёдрок тил ва шева бўлиб, уларнинг фақат қирқтасигина оғзаки ва ёзма жиҳатдан тўлиқ шаклланиб, деб ҳисобланади. Улар орасида она тилимиз — ўзбек тили ҳам бор!

### БАХТЛИ ВА БАХТСИЗ ТИЛЛАР

Жаҳонда шундай тиллар ҳам борки, улар йўқолиб кетиш арафасида. Сўзлашувчиларнинг камлиги ёки уларнинг бошқа тилларни ўзлаштириб кетишлари натижасида 1400 та тил ана шундай бахтсизликка дуч келиш хавфи остида турибди.

### ПОЛИГЛОТЛАР

Шундай кишилар борки, улар икки-уч эмас, ўнлаб чет тилларда бемалол сўзлаша оладилар. Уларни полиглотлар (лотинча поли — кўп, глот — тил), дейишади. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари бобоқлонларимиз ана шундай кишилар бўлишган. Жаҳонда кўп полиглотлар ўтган. Масалан, 1774-1849 йилларда яшаган италиялик Жузеппе Меззофанти 90 тилни билган. Яна бир италиялик Карло Тальяви 15 тилни билгани учун 22 ёшида Болония университети докторлик дипломини олган. Кейинчалик ҳам у кўлаб тилларни ўрганган. Бугунги кунда ҳам жаҳонга машҳур полиглотлар кўп. Масалан, португалиялик футбол мураббийи Жозе Моуриньо она тилидан ташқари испан, италян, инглиз тилларини мукамал билади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 4-модда)



## ПУХТА БИЛИМ ВА ЮКСАК МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Республика Болалар кутубхонасида 21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинган кунга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Унда тилшунослар, болалар шоирлари, ўқитувчилар, маънавият тарғиби рамига ҳам оз қолибди. Байрамни, албатта, талабаларим билан нишонлайман. Уларга ажойиб совға — ўзим ёзган ўзбекча «Жоним тилим» шеърини ўқиб бермоқчиман. Ўзбек тилида сўзлашувчи барча-барчани эса кутлуг сана билан табриклайман.

Унда тилшунослар, болалар шоирлари, ўқитувчилар, маънавият тарғиби рамига ҳам оз қолибди. Байрамни, албатта, талабаларим билан нишонлайман. Уларга ажойиб совға — ўзим ёзган ўзбекча «Жоним тилим» шеърини ўқиб бермоқчиман. Ўзбек тилида сўзлашувчи барча-барчани эса кутлуг сана билан табриклайман.

Унда тилшунослар, болалар шоирлари, ўқитувчилар, маънавият тарғиби рамига ҳам оз қолибди. Байрамни, албатта, талабаларим билан нишонлайман. Уларга ажойиб совға — ўзим ёзган ўзбекча «Жоним тилим» шеърини ўқиб бермоқчиман. Ўзбек тилида сўзлашувчи барча-барчани эса кутлуг сана билан табриклайман.

Унда тилшунослар, болалар шоирлари, ўқитувчилар, маънавият тарғиби рамига ҳам оз қолибди. Байрамни, албатта, талабаларим билан нишонлайман. Уларга ажойиб совға — ўзим ёзган ўзбекча «Жоним тилим» шеърини ўқиб бермоқчиман. Ўзбек тилида сўзлашувчи барча-барчани эса кутлуг сана билан табриклайман.

Унда тилшунослар, болалар шоирлари, ўқитувчилар, маънавият тарғиби рамига ҳам оз қолибди. Байрамни, албатта, талабаларим билан нишонлайман. Уларга ажойиб совға — ўзим ёзган ўзбекча «Жоним тилим» шеърини ўқиб бермоқчиман. Ўзбек тилида сўзлашувчи барча-барчани эса кутлуг сана билан табриклайман.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири



# Йўл манзаралари

**Йўллар... Барчамизни манзилларга элтувчи йўллар. Ўйлаб кўрсак, умр ҳам бир йўл. Бир инсон уни оҳиста босиб ўтса, бошқаси манзилга қанча ташвишларни енганча етиб келади. Ҳаёт чорраҳаларида дуч келадиган синовларни енгини баробарида эса, баъзан ҳаракатни тартибга солиб турувчи светофорнинг қизил чироғида тўхтаган каби бир муддат ушланиб қоламиз, сариқ чироқ ёнганда муаммоларни ҳал қилишга кўядиган биринчи қадамимиз тадоригини кўрамиз.**

Пойтахтда таҳсил олаётганим боис, йўлда кўп юрман. Шундай вақтларда ҳар хил тоифадаги инсонлар билан ҳамроҳ бўлиб қолишинг ҳаётнинг турли машаққатларини кўз олдинда гавдалантиради. Нотаниш кишилар билан суҳбат ўзига яраша хулосалар чиқаришга имкон беради.

Йўлда кетаяпмиз. Магнитофондан майин мусиқа янграйди. Кўзим илинибди. Кимнингдир телефони жиринглагач, уйғониб кетдим. Ҳамроҳларим баланд овозда суҳ-

батлашиб кетишарди. Ҳар сафар Тошкентга келгунча йўл ёқасида бир қанча қабристонлар олдидан ўтишга тўғри келади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Лекин ажабланарли жиҳати, қабристон ёнидан ўтаётганимизда ёнимда ўтирган аёлнинг пиқиллаётганини сезиб қолдим. Унинг кўлидаги суратни бағрига босиб ўксиниб-ўксиниб йиғлашини кўриб, демек, унинг яқинларидан бири айнан шу ерларда ётибди, деган фикрга келдим.

У кўринишидан анча замонавий аёллиги билиниб турар, кўёш кўзни қамаштирадиган даражада нур сочмаётган бўлса-да, кўзойнак тақиб олганини мен шунчаки олифталikka йўйгандим. Бироқ айна дамдаги ҳолат мени ҳайрон қолдирди. Уни юпатишга бир-икки бор оғиз жуфтладим, аммо кўлимдан келмади, аниқроғи, тилимни тийдим. Сабаби, ҳамроҳларим орасида мендан ёши каттароқ инсонлар жим кетаётган эди. Бир тарафдан, улар балки бунга шунчаки эътибор қаратишмаётгандир, ўзимизнинг дардимиз ўзимизга етарли, қабилида иш кўришаётгандир, деган хаёл ҳам келди, иккинчи томондан эса, балки бу аёлнинг ҳозирги ҳолатидан улар беҳабардир, деган ўй устунлик қилди. Шу боис мен ҳам сукут сақлаб кетишни афзал билдим. Аёл серкатнов йўлда тушиб қолди. Ҳайратланарлиси, у тушган манзилда на бирор уй, на одамлар кўринарди — аҳоли яшамайдиган жой эди.

Машина жилар экан, ҳамроҳлардан бирининг саволи-

га ҳайдовчининг жавоби эътиборимни тортди: «Бу аёл ҳар ой мана шу ерда тушиб қолади, аввалига биз ҳам ҳайрон бўлардик, бу ерларда нима иши бор экан, деб. Кейин билсак, унинг ёлғиз фарзанди шу ерда автохалокатга учраб, вафот этган экан...»

Йўлда турли манзараларга дуч келамиз. Далаларда иш қизиган палла: одамларнинг терга ботиб, қиш ғамини еяётгани; бекатлардаги кишилар; ёнингиздан сувиллаб ўтиб кетаётган машиналар... Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қиласиз.

Йўлга яхши ният қилиб чиқамиз. Йўлдаги манзаралар, рўй берган ҳодисаларга гувоҳ бўлиб, бу омонат дунёда ўткинчи, меҳмон эканимизни эсга оламиз.

Ҳар кимнинг ўз тақдир йўли бор. Кимдандир бу йўлнинг охирига етишда сабр-бардош камлик қилса, бошқалар учун маррага оз қолса ҳам, қилиши керак бўлган ишлар учун вақт етишмайди.

Балки менинг фикрларим-

га қўшилмасиз, лекин сафарга чиққанда йўлни бир томоша қилинг. Ҳеч бўлмаса, ўзингиз ўтирган машина ҳаракатини кузатинг: йўлнинг ўнқир-чўнқирда секин ҳаракатланса, қолган пайтларда тезликни оширади. Инсонлар ҳам умрини шундай яшайди: қийинчиликка рўбарў келганда ақлга, баъзан юракка таянади, одатий кунларда эса қаёққадир шошади.

Умр йўл юриш ва кутиш билан ўтади. Одамлар кимнидир ёки ниманидир кутиб яшайди. Олис юртларда юрганлар ва уларнинг яқинлари уларнинг эсон-омон юртга қайтишларини, бир ишнинг бошини тутмаганлар эса куннинг ўтишини орзиқиб кутади. Билмайдиларки, бу онлар ғанимат, билсаларда, тарки одат қилолмайдилар.

Ёнимдаги бир ҳамроҳимнинг гапидан чўчиб тушдим. Бу йўл билан манзилга етиб келганимни билмай қолибман. Ҳамроҳларимнинг оломон ичига сингиб кетганини кўриб, ҳаётнинг турфараңлигига яна бир бор иқроор бўлдим.

**Гавҳар МАТКАРИМОВА,**  
**ЎзДЖТУ талабаси**

## Юрт ори

G'urur

(Қатра)

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод асарларини ўқиганмисиз? Ўқиш керак! Ўзбек бўлиб яшашнинг нечоғли бахт эканини ҳис қиласиз, фахрланасиз. Орли одам кимлигини билмоқчи бўлсангиз, шу ёзувчининг асарларидаги кўп қаҳрамонлар сизга намуна. Масалан, мен «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасидаги бир эпизодни эсласам, доим кўнглим ёришиб кетади. Максим полвон тобоқ кўтарганда қишлоқнинг ёш полвонларидан ҳеч ким унга даъвогар бўлиб чиқолмайди. Уни «спорт мастери» деб ҳаммаси ҳайиқади. Шунда соч-соқоли оппоқ, кекса полвон Нормурод бобо даврага отилиб чиқади. «Мастер спортчи» тугул, дев бўлса ҳам курашман», деб қизишади. Ўзингиз айтинг, кўнглини ёриштиради-а! Чол ор талашаяпти. Уни жойидан кўзгатган, даврага тортган тобоқ ҳам, соврин ҳам, мол-дунё ҳам эмас, ор! Ор бўлганда ҳам эл-юрт ори.

«Юрт ори» дегани шундай азиз, шундай муқаддас бўларкан-да?!

Ҳар бир фуқаро юртини обод этиб, элнинг ҳаёти файзли ва фаровон бўлиб боришига ҳисса қўшса, мана шу ҳақиқий ватанпарварликдир.

Ижодкорлар даврасида бир сўз кўп тақдорланади: «Юртига муҳаббати йўқ одамни шоир деманг!» Ўзидан баланд яшай олган ҳар инсоннинг қалбини шу муҳаббат мунаввар этган. Яратган инсонни ватанга муқаддас бир ришта билан боғлаб қўяди. Олисдалигингизда туғилган шаҳар ёки қишлоғингиз номи тилга олинганда бир энтикмайсизми? Энтикасииз. Бундай бўлмаса, билинги, улуғ туйғудан бебаҳра экансиз.

Ҳаётда дарахтга ўхшаган одамлар бўлади. Уларнинг бир дарахт каби одамларга берадиган фойдаси бошқа мавзу. Айтмоқчи бўлганим, шу одамлар юртида дарахтдек илдиз отган. Йиллар мобайнида бу илдизлар яна-да чуқурроқ ўсган. Сезгандирсиз, илдиз — шу юрт ишқи, унга боғланиш.

Умр — дарё. Фақат мавсумий дарё. «Уни ҳеч кимга бермайман, ўзимга керак, ўзимга!», десангиз ҳеч кимга нафи тегмай ўтиб кетади. Ҳатто ўзингизга ҳам. Шу дарёдан элнинг, юртнинг ерларига сув таранг. Гулласин, яшнасин, кўрган кўзларнинг ҳаваси келсин!

**Сирожддин ИБРОҲИМ**



## Устозлар тажрибасига таяниб

**Учкўприк туманидаги 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернат 350 ўринга мўлжалланган. Аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанларга ихтисослашган мазкур таълим муассасасида айна кунда 318 нафар илмга чанқоқ ёш таҳсил олади. 2003 йилда капитал реконструкция қилинган мактабда ўқувчиларнинг янада қулай шароитларда таълим олишлари учун имконият яратилди.**

Мактаб ташкил этилганидан буён ўтган давр мобайнида мингга яқин ёшлар шу маскан тарбиясини олиб, олий ўқув юртлари талабалари бўлди. Улар айна кунда турли соҳаларда меҳнат қиляпти. Мактабда таълим самарадорлигини доимий ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун иқтидорли ёш ўқитувчилар кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган устозлар кўмағида педагогик тажрибаларини оширишади. Устоз-

лар малакаси ва ёшлар билими уйғунлигида ўқувчиларнинг фанлар бўйича кучли билимга эга бўлишига эришилади.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири.**

**СУРАТДА:** Тажрибали устоз, физика фани ўқитувчиси Санобархон Тожибоева ўз тажрибаларини ёш ўқитувчилар билан ўртоқлашапти.



# Мангулик муҳри

Madaniyat

Хиванинг «Ота дарвозаси»дан кириб бораяпман. Кўхна шаҳарнинг тош кўчалари сайёҳлар билан гавжум. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб обидаларни томоша қилаётган меҳмонларга таржимонлар йўл кўрсатишар, қадимий шаҳар ҳақида тўлиб-тошиб гапиришарди. Ичкариларканман, шаҳарнинг марказида турган катта туянинг атрофини сайёҳлар, юртимизнинг узоқ-яқин гўшаларидан келган меҳмонлар, болаларини сайрга олиб чиққан ота-оналар ўраб олганини кўрдим. Қизиқ манзара. Шу боисдир, туя атрофида уч-тўрт киши айланиб, уни суратга оляпти. Туя билан суратга тушганлар суратни қўлига олиб ёнидагиларга «эсдалик», дея жилмайиб қўяди.



Гоҳида узоқдаги яқинларимизни соғинсак ёки ўтганларни хотирлашни истасак, уларнинг сиймоси муҳрланган суратларга қараймиз. Шунда кўз ўнгимизда соғинган инсонимиз бутун бўй-басти, юриш-туриши билан намён бўлади. Ширин хотиралар уйғонади. Ўша оламга эса шу бир парчагина сурат орқали дарча очилади. Мен ҳам шу он уларнинг бахтиёр чехраларига боқиб, қачондир шу суратга кўз тушганида хотираларни жонлантирадиган ва лаҳзаларни мангуликка муҳрлайдиган фаройиб воситанинг кучи нақадар улкан эканини ҳис қилдим.

Фотография санъати ҳақида сўз борганда, барча юртдошларимиз каби сиз ҳам биринчи бўлиб илк ўзбек сураткаш-операторини эсга олишингиз табиий. Ҳа, бу ўз даврида тарихий воқеаларни су-

ратларга муҳрлаган, юртимизда биринчи бўлиб кинематографияга асос солган Худойберган Девондир.

Фотография тарих қатларига яширинган давр ўзгаришларига гувоҳ бўлиш имконини берди. Худойберган Девонов тарихий воқеаларни суратларга муҳрлаган.

Унинг XIX аср охири ва XX аср бошига оид «Кўзалар», «Хоразмлик аёл», «Хоразмлик овчи» номли суратлари орасида Хиванинг «Патрак» маҳалласидаги дарвозаси пастак, болохонали уй тасвири эътиборни тортади.

... 1878 йилда Нурмуҳаммад девон ва Рўзика опа хонадошида дунёга келган ва шу зиёли оилада улғайган Худойберган болалигидан зийрак ва қизиқувчан эди. Углининг зийраклигини кўриб Нурмуҳаммад девон суюнар, ўз ўрнида Худойберганнинг ўқиши учун

етарли шароитни яратиб берганди...

Кейинчалик бу ҳақда Худойберган Девонов ўз таржимаи ҳолида шундай ёзган: «Тўққиз ёшимдан эски мактабга қатнаб ўқидим. Кейин йўнқчилик (дурадгорлик) ишига киришдим. Отам эса бу ишни оғир ҳисоблаб, яхшироқ ва одамнинг зеҳнини ўстиратурган хунларни ўрганишимга ташвиқ қилар эди...»

У ишлатган аппаратлар бир қарашда бесўнақай, сал кўпол, кўримсиз туюлар. Бироқ унинг суратлари шу асбобларнинг қанчалик мукамал ва аниқ ишлаганини кўрсатиб туради.

Фотографлик касби у замонларда янги касб бўлгани учун айрим одамларга кўп ҳам маъқул келмаган. Ҳатто бир гуруҳ мутаассиблар биринчи ўзбек фотографини бу йўлдан қайтаришга уринишган.

У олган суратларда ўша

давр Хива муҳити тадрижий равишда акс эттирилган. «Дорбозлар», «Кўш дарвоза», «Миноранинг қайтиши», «Халқ чолғу асбоблари ансамбли», «Дала ишлари», Хивадаги биринчи шифохона, етимхона, «Намуна» номли мактаб ва Хива механизаторлари мактаби очилишига оид фотоасарларида халқнинг фидокорона меҳнати ва санъати акс этган.

Худойберган Девонов моҳир тасвирчи бўлган. У суратга олган ҳужжатли фильмлар муваффақиятли чиққан. 1908-1909 йилларда Хива, Урганч бозорларида қисқа метражли фильмлар намоиш қилиб, халқни янгиликлардан хабардор этиб борган. Буларнинг барчаси унинг юксак истеъдод соҳиби эканидан дарак беради...

**Жонибек МАЪРУПОВ,**  
**ЎзДЖТУ талабаси**

G'uncha

## ҲАВАСИМ КЕЛАР

*Шеър ўқиса дугонам,  
Эътиборни тортади.  
Исми жисмига монанд,  
Унга меҳрим ортади.*

*Китобсевар, аълочи,  
Расомликка даъвогар.  
Берилиб чизса расм,  
Унга келар ҳавасим.*

## ТАНИШУВ

*Менинг исмим Нигина,  
Ўзимман биттагина.  
Ўн икки ёшга тўлдим,  
Ойимга дастёр бўлдим.*

*Отамнинг эрка қизи,  
Ҳаётин ўчмас изи.  
Онамнинг гулгунчаси,  
Ёпган ширин кулчаси.*

**Нигина НАРЗУЛЛАЕВА,**  
**Бухоро вилояти Вобкент**  
**туманидаги 21-мактабнинг**  
**7-синф ўқувчиси**

Menga so'z bering

## Ўқитувчи учун ҳам қарз, ҳам фарз

Бугун мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилаётган эътибор, ёшларнинг энг замонавий таълим масканларида таълим олишлари учун яратилаётган шароитлар ҳар биримизни қувонтиради, албатта. Бизнинг мактабда ҳам ўқувчиларнинг яхши таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар яратилиб, малакали ўқитувчи-педагоглар билан таъминланган. Айни кунда бу ерда 104 нафар педагог-устоз 1035 нафар ўқувчига таълим бериб келмоқда.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар қатори бошланғич синф ўқитувчимиз Малоҳат Ибодуллаева ҳам Президентимиз фармонига кўра, «Шухрат» медали билан тақдирланди. Бу мактабимиз жамоасини яна бир бор хурсанд этди. Ушбу мукофот бизни янада руҳлантириб, самарали меҳнат қилишга ундайди.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Энг буюк жасорат маънавий жасорат-

дир», дейилади. Зеро, ҳар бир зиёли ўқитувчи ўзи тарбиялаётган ўқувчи қиёфасида шахсни кўради. Ана шу шахсни комил инсон қилиб тарбиялаш биз, ўқитувчилар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Янада аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, бу бизнинг Ватан олдидаги бурчимиздир.

**Нодира АБДУЛҲАКИМОВА,**  
**Шеробод туманидаги**  
**3-мактабнинг маънавий-**  
**маърифий ишлар бўйича**  
**директор ўринбосари**



## Янги тартиб амалда

Хитой пойтахти Пекинда автомобиллардан кунора фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мамлакат ҳукуматининг бундай қарор чиқаришига атроф-муҳитнинг ҳаддан ортиқ ифлосланиши сабаб бўлди. Ҳафтанинг ҳар иш кунда автомобиль йўлларидаги тирбандликлар бир неча соатга чўзиларди. Эндиликда ҳар бир машинанинг давлат рақами ёнига махсус белги қўйилади. Бу белги ҳайдовчига автомобилдан фойдаланиш кунларини белгилаб беради. Ҳозирча бу қоида бузганларга қўлланиладиган жазо ошкор этилмади. Бу қарор чиққандан буён автобуслар сони кўпайиши билан бирга, метронинг иш вақти ҳам узайди. Айни пайтда Пекиндаги йигирма миллион аҳолининг беш миллиони ўз автомобилига эга.

## Меҳмонлар иззатда

Жанубий Кореяда сайёҳлар учун махсус полиция хизмати ташкил этилди.

Бу хизмат киракашлар томонидан алданган, дўкон ва ошхоналарда товламачиларга дуч келган сайёҳлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Корея полициясининг мазкур махсус қисмига инглиз, япон ва хитой тилини биладиган юз нафар ёш саралаб олинди. Уларга махсус кийим жорий қилинди. Корея туризм ассоциацияси президентининг сўзларига қараганда, сўнгги пайтларда мамлакатга келаётган меҳмонларнинг аксарияти қаллобларга дуч келмоқда. Бу эса мамлакат обрўсига путур етказиши мумкин. Ассоциация президенти ўз нутқида буни рамзий кўриқчи сифатида қабул қилиш мумкинлигини ҳам алоҳида таъкидлади.

## Лаосдаги авиафалокат

Лаосда юз берган авиафалокатда қирқ тўрт киши ҳалок бўлди.

Улардан ўн беш нафари хорижлик фуқаролардир. Лаос ҳукумати марҳумлар яқинларига ўз таъзиясини билдирди.

Маълумотларга қараганда, самолёт Паксе шаҳридаги аэропортга беш километр қолганда Меконг дарёсига қулаган. Самолётда омон қолганлар йўқ. Ҳозирча лайнердаги қора қути текширилмаган. Ҳукумат вакилларининг сўзларига кўра, самолёт ҳалокатига кучли ёмғир ҳамда шамол сабаб бўлган.

## Пеле учун махсус

Бразилияда Пеле ҳақида ўн беш килограмми баҳайбат китоб нашр этилди.

У футболчи урган голларнинг умумий ҳисоби билан 1283 дея номланди. Китоб тақдиротида 72 ёшли футболчи ҳам иштирок этди. Китоб беш юз саҳифа ва беш юз расмдан иборат бўлиб, 1283 ададда нашр этилди. Китоб нархи 1700 АҚШ доллари бўлиб, махсус буюртма асосида чиқарилганлари 2600 АҚШ долларига баҳоланди. Футболчи Бразилия терма жамоаси таркибидаги 92 ўйинда 77 та гол урган. Қолган голларини «Сантос» ва «Нью-Йорк Космос» клубларида киритган.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**



## Yosh tadbirkor — yurtga madadkor



Наманган вилояти Чортоқ туманидаги «Шодиёна» тикувчилик цехида ўн нафар коллеж битирувчиси фаолият кўрсатмоқда. Уларга ёш тadbirkor Хуршида Рахматуллаева рахбарлик қилмоқда.

**СУРАТДА:** ёш тadbirkor Хуршида Рахматуллаева тикувчилик цехида тайёрланган зардўзлик буюмлари билан.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолавҳаси



## Билимдонлар беллашуви

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 11-мактабда 9-синф ўқувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида ўқитувчилар ва ота-оналар ташаббуси билан янги лойиҳага қўл урилди. Яқинда мазкур тadbir доирасидаги биринчи мусобақада ўқувчилар «Зукколар», «Ёш академиклар», «Шунқорлар» номи остида етгита шарт бўйича беллашишди.

Интеллектуал мусобақа бешта фан — она тили ва адабиёт, тарих, кимё, физика бўйича илмий, мантиқий саволлар асосида ўтказилди.

— Бундай беллашувларнинг ташкил этилиши ўқувчиларнинг билим

ва савиясини ошириш билан бирга, фанлараро узвийликни таъминлаш, ўқувчилар ўртасида ахиллик ва ҳамжиҳатлик туйғусини, шунингдек, ота-оналар ва мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди 11-мактабнинг

физика ўқитувчиси Гулбаҳор Муродова.

Мусобақа охирида йиғилган баллар ҳисобланиб, голиб жамоа аниқланди. Унга кўра, «Ёш академиклар» жамоаси биринчи ўринга муносиб топилди.

Тadbir доирасидаги навбатдаги беллашув октябрь ойининг охириги кунда бўлиб ўтади.

**Жамила НЕЪМАТИЛЛАЕВА,**  
Термиз давлат университети талабаси

Кунботар, фарб	Айгоқчи, жосус	Шохсимон қадаҳ	Бунёд этиш, яратиш	Тарки ... — амри маҳол	Азза...	Кушлар шохи	Фойдали казилма қидирувчи	Хаш-... дегунча	... Сид (машина)
Маъруза ўқувчи	Сувоқ асбоби	Сунъий кул ёки оёқ	Арслон буржи	Шикоят	Қогозли конфет	Хинд олими	Ховуз (Бухоро)		
Уяли алоқа хабари	Лотин Америкаси рақси	Шаҳар (Хиндистон)	Сал, озгина	Тарона, куй, наво	... — пиёз	Манчестер-... (шаҳар Англия)	Хат, мактуб	Перу пойтахти	Кун, вақт
Пальто матоси			Кўл қисми	Ишнинг ... и йуқ			Ахён-ахёнда, гоҳ-гоҳ	Хордик, тин	
... сингил	Вақт бирлиги		Телеканал	Едгорлик бино					
	Доктор, шифокор	Хаширтуруш	Олдин, аввал	Юз, башара, турк	Бутунлай				
						Термин			

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов



## Бронза медаль эгаси

Босния ва Герцеговина пойтахти Сараево шаҳрида спорт кураши бўйича фахрий спортчилар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада ҳамюртимиз Фурқат Исаев 41-45 ёшлилар ўртасида юнон-рум кураши бўйича гиламга чиқиб, бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, бу вазн тоифасида мезбон Драган Маркович биринчи ўринни эгаллаган бўлса, қозоғистонлик Наримон Каирманов кумуш медални қўлга киритди. Мусобақада 32 мамлакатдан мингга яқин спортчи қатнашди. Фахрийлар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионати 2014 йилнинг 5-10 октябрь кунлари Сербияда ўтказилади.

## Муваффақият сари

Москвада теннис бўйича «Кремл кубоги» мусобақаси бўлиб ўтмоқда.

Турнирда ҳамюртимиз, Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин жуфтлик бахсларида ярим финалга йўлланмани қўлга киритди. У россиялик шериги Михаил Елгин билан Россия-Исроил жуфтлиги Алекс Богомолов ва Дуди Селуни 7:5, 6:2 ҳисобида мағлуб этди. Энди улар ярим финалда Австралия-Германия жуфтлиги Жунейд Рамиз ва Марк Филиппга қарши кортга тушади. Мусобақанинг мукофот жамғармаси — 746 минг АҚШ доллари.

## Натижалар эълон қилинди

Ўзбекистон миллий терма жамоаси сўнгги вақтларда эришган натижаларга кўра, FIFA рейтингда икки поғона юқорига кўтарилди.

Натижада дунёда 55-ўринни банд этган жамоамиз Осиёнинг энг кучли терма жамоалари ўртасида учинчи ўринни эгаллади. Осиёда Япония ва Эрон термасидан сўнг Ўзбекистон миллий термаси кучли учликка яқин ясайди. Ўзбекистондан кейинги ўринларни Жанубий Корея ва Австралия банд этди. Рейтингда терма жамоаларнинг жаҳон бўйича кучли учлигига Испания, Германия ва Аргентина лойиқ кўрилди.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ,**  
«Turkiston» мухбири

## TABASSUM

### КАРНАЙЧИ, СУРНАЙЧИ ВА ДЎМБИРАЧИ

Эшик кўнғироғи босилди. Афанди чиқиб қараса, бир киши турибди.

— Эълон бўйича келувдим, — деди у. — Уйингизни алмаштираман экансиз...

— Нима иш қиласиз? — сўради Афанди.

— Муҳандисман, заводда ишлаймаман.

— Кечирасиз, уйим сизга тўғри келмайди, — деди Афанди.

— Ие, нега энди?

— Дўмбирачи бўлсангиз, бошқа гап, — жилмайди Афанди. — Ахир, ўнг томондаги кўшним — сурнайчи, чап томондагиси — карнайчи. Думбирачи бўлсангиз-у, кўчиб келсангиз, зўр ансамбль бўлардинглар-да!

### САЛКАМ АДАШЛАР

— Исминг ким?

— Кўчкор. Сеники-чи?

— Кўзибой.

— Салкам адаш эканмиз-ку! Кўлни бер.

## YON DAFTARCHANGIZGA

Иссиқ кийим танни илитар,  
Иссиқ сўз жонни илитар.

Ўзбек халқ мақоли